

ШАРТНОМА № 25

“21” сентябрь 2022 й.

Навоий шаҳар

“Асл Монтаж Экспресс” ХК номидан раҳбар С.Холиқов бундан бўён матнда «СОТУВЧИ» деб аталувчи, жамият Низомига асосан фаолият юритувчи бир томондан ва Навоий вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси номидан, Низом асосида иш юритувчи Н.М.Жуманиёзов бундан бўён матнда «ХАРИДОР» деб аталувчи иккинчи томондан куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-684-сон Қонуни 7-боб, 56-моддасига, Халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашининг 29.07.2022 йил VI-35-99-5-0-К/22-сонли қарорига ҳамда Навоий вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси харид комиссиясининг 19.09.2022 йилдаги 148975-сонли танлов йиғилиш баённомасига асосан Навоий вилоят Нурота тумани “Миришкор” ва “Истикбол” МФЙлар аҳолисини ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун зарур бўладиган материаллар (кувур, колодец, задвижка, ва ҳ.к.) сотиб олиш буйича куйидаги шартномани туздик:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1.«Сотувчи» мазкур шартномага мувофиқ маҳсулотларни сотиш ва кўрсатилган манзилга етказиб бериш, «Харидор» эса маҳсулотларни қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Товар ҳақида маълумотлар: Ушбу шартноманинг 1.2-бандидаги жадвалда кўрсатилган.

1.2.

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Микдор	Нархи (НДС билан)	Умумий сўммаси (НДС билан)
1	ТРУБЫ НАПОРНЫЕ ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНА НИЗКОГО ДАВЛЕНИЯ (ПНД) SDR 17,0 ДИАМЕТРОМ 90 ММ, ТОЛЩИНОЙ СТЕНКИ 5,4+0,9 ММ	м	414,1	36 331,99	15 045 075,61
2	ТРУБЫ НАПОРНЫЕ ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНА НИЗКОГО ДАВЛЕНИЯ (ПНД) SDR 17,0 ДИАМЕТРОМ 63 ММ, ТОЛЩИНОЙ СТЕНКИ 3,8+0,6 ММ	м	171,7	18 465,43	3 170 514,79
3	ТРУБЫ НАПОРНЫЕ ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНА НИЗКОГО ДАВЛЕНИЯ (ПНД) SDR 17,0 ДИАМЕТРОМ 50 ММ, ТОЛЩИНОЙ СТЕНКИ 3,0+0,5 ММ	м	323,2	11 578,33	3 742 114,76
4	ЗАДВИЖКИ ЧУГУННАЯ ФЛАНЦЕВАЯ РУ16 30Ч6БР,ДУ100	шт	1	1 157 832,54	1 157 832,54
5	ИЗДЕЛИЯ ДЛЯ КРУГЛЫХ КОЛОДЦЕВ ВЫПУСК 7 ЧАСТЬ 1 ПЛИТЫ ПЕРЕКРЫТИЯ КЦП 1-10-2	шт	3	474 789,19	1 424 367,58
6	ИЗДЕЛИЯ ДЛЯ КРУГЛЫХ КОЛОДЦЕВ ВЫПУСК 7 ЧАСТЬ 1 ПЛИТЫ ДНИЩА КЦД-10	шт	3	376 390,40	1 129 171,19
7	ИЗДЕЛИЯ ДЛЯ КРУГЛЫХ КОЛОДЦЕВ ВЫПУСК 7 ЧАСТЬ 1 КОЛЬЦА СТЕНОВЫЕ КЦ 10-9	шт	3	409 001,35	1 227 004,05
8	КОЛЬЦО ОПОРНОЕ КЦО-1	шт	3	83 705,30	251 115,91

9	ТРУБЫ НАПОРНЫЕ ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНА НИЗКОГО ДАВЛЕНИЯ (ПН Д) SDR 17,0 ДИАМЕТРОМ 40 ММ, ТОЛЩИНОЙ СТЕНКИ 2,4+0,5 ММ	м	242,4	7 585,80	1 838 797,77
10	ТРУБЫ НАПОРНЫЕ ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНА НИЗКОГО ДАВЛЕНИЯ (ПН Д) SDR 17,0 ДИАМЕТРОМ 75 ММ, ТОЛЩИНОЙ СТЕНКИ 4,5+0,7 ММ	м	484,8	25 951,42	12 581 247,90
11	ЗАДВИЖКИ ЧУГУННАЯ ФЛАНЦЕВАЯ РУ16 30Ч6БР, ДУ80	шт	3	798 505,20	2 395 515,59
12	ТОЛЬ С КРУПНОЗЕРНИСТОЙ ПОСЫПКОЙ ГИДРОИЗОЛЯЦИОННЫЙ МАРКИ ТГ-350	м2	0,5186	3 443,55	1 785,83
13	МАСТИКА БИТУМНАЯ КРОВЕЛЬНАЯ ГОРЯЧАЯ	т	0,04597	5 744 323,62	264 066,56
14	ФЛАНЦЫ СТАЛЬНЫЕ ДАВЛЕНИЕМ 1МПА (10 КГС/СМ2) В КОМПЛЕКТЕ С БОЛТАМИ, ГАЙКАМИ И ПРОКЛАДКАМИ ДЛЯ КОМПЛЕКТА С ЗАДВИЖКАМИ ДИАМЕТРОМ 80 ММ	компл	6	38 328,25	229 969,50
15	ФЛАНЦЫ СТАЛЬНЫЕ ДАВЛЕНИЕМ 1МПА (10 КГС/СМ2) В КОМПЛЕКТЕ С БОЛТАМИ, ГАЙКАМИ И ПРОКЛАДКАМИ ДЛЯ КОМПЛЕКТА С ЗАДВИЖКАМИ ДИАМЕТРОМ 100 ММ	компл	2	42 919,65	85 839,31
16	ЭЛЕКТРОДЫ ДИАМЕТРОМ 4 ММ Э42	т	0,0019	24 953 287,44	47 411,25
17	ЧУГУННЫЙ ЛЮК ЛВ	шт	3	130 191,06	390 573,19
18	ТРОЙНИК Д. 100X75X100 ММ С /ЛИТЬЕВОЙ-ДЛЯ СВАРКИ	шт	3	46 912,18	140 736,54
19	ТРОЙНИК Д. 160X90X160 ММ С /ЛИТЬЕВОЙ-ДЛЯ СВАРКИ	шт	1	99 813,15	99 813,15
20	ОТВОД /КОЛЕНО/ PN 16 DN 63 ЭОС PE100	шт	6	56 594,06	339 564,34
21	ОТВОД /КОЛЕНО/ PN 16 DN 40 ЭОС PE100	шт	4	26 250,86	105 003,43
22	ЛЕСТНИЦЫ СТАЛЬНЫЕ 1-ШТ	т	0,0089	15 406 085,80	137 114,16
23	БОЛТЫ С ГАЙКАМИ И ШАЙБАМИ ДЛЯ САНИТАРНО-ТЕХНИЧЕСКИХ РАБОТ, ДИАМЕТРОМ 16 ММ	т	0,006	14 971 972,46	89 831,83
24	ВТУЛКА П/Э ПОД ФЛАНЕЦ ДУ100	шт	2	32 938,34	65 876,68
25	ВТУЛКА П/Э ПОД ФЛАНЕЦ ДУ80	шт	6	23 456,09	140 736,54
ЖАМИ:		х	х	х	46 101 080

2. ШАРТНОМА НАРХИ, БАҶОСИ, ҚИЙМАТИ

2.1.Шартнома умумий қиймати 46 101 080 (қирқ олти миллион бир юз бир минг саксон) сўми ташкил қилади.

3. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1. Тўловлар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.2. Ушбу шартнома бўйича тўловлар, олинadиган маҳсулот учун олдиндан 30 (ўттиз) фоиз амалга оширилгандан сўнг сотилади ва етказиб берилади.

3.3. Харидор шартномада кўрсатилган маҳсулотни ҳисоб-фактура орқали қабул қилиб олгандан сўнг қолган 70 (етмиш) фоизни тўлаб беради

4. МАҲСУЛОТЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. «Харидор» олинadиган маҳсулот учун олдиндан 30 (ўттиз) фоиз тўловни амалга оширганлигини «Сотувчи»нинг банки тасдиқлагандан сўнг, маҳсулотларни «Сотувчи» омборидан расмийлаштирилган ҳолда ҳисоб-китоб варақага мувофиқ кўрсатилган манзилгача, ўз траспортида «Харидор»га етказиб беради.

4.2. «Сотувчи» маҳсулотларни кўрсатилган манзилгача олиб боргандан сўнг «Харидор» қабул қилиб олади. Қабул қилишда «Харидор»нинг масъул вакили ёнида паспорти ва расмийлаштирилган ишончномаси бўлиши шарт.

4.3. «Харидор» маҳсулотни қабул қилиб олишда унинг миқдори, ўрами, сифати, истеъмол муддати ва бошқа кўрсаткичлари бўйича эътирозларини «Сотувчи»га билдиришга ҳақли. Маҳсулот «Сотувчи» корхонаси худудидан олиб чиқиб «Харидор»нинг кўрсатилган манзилигача олиб бориб, топширгандан сўнг мазкур талаблар бўйича эътирозлар асоссиз деб ҳисобланади.

4.4. Маҳсулотни етказиб бериш муддати олдиндан 30 (ўттиз) фоиз тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 7 (етти) иш куни ичида етказиб берилиши қатъий белгиланади.

5. МАҲСУЛОТНИНГ СИФАТИ

5.1. Маҳсулотнинг сифати, маркировкаси, ўрами Ўзбекистон Республикасида ҳаракатдаги стандартлар талабларига ва техник шартларга жавоб бериши лозим.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. «Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (Сотувчи) сотиб олувчига (Харидорга) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан, лекин ушбу сумманинг 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.2. Тўловни кечиктирилганлиги учун «Харидор» ҳар бир кечиктирилган кунга тўловни кечиктирилган сумманинг 0,4 % миқдоридан, лекин ушбу сумманинг 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар қонунчиликда ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, харидор (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларни ҳақини тўлашни рад этиб, сотувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдоридан жарима ундириб олишга, агар тўловлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

6.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ.

7.1. Томонлар шартнома шартларини бажаришлари мобайнида уларнинг хоҳиш, эрки ва иродасига боғлиқ бўлмаган кучлар тўсиқлик қилса, жумладан: табиий офатлар, зилзила, сув тошқини, уруш эълон қилиниши, амалдаги қонунчиликнинг ўзгариши каби ҳолатларда форс-мажор ҳолати эълон қилинади.

Қайси томон учун форс-мажор ҳолати содир бўлса, ушбу ҳолат ҳақида иккинчи томонни ёзма равишда огоҳлантириш шарт.

Форс-мажор ҳолатлари 3 ой ёки ундан ортиқ давом этса томонлар шартнома шартларини бажаришдан қисман ёки тўлиқ озод этиладилар.

8. НИЗОНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

8.1. Шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

8.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд орқали ҳал қилинади.

9. БОШҚА ҲОЛАТЛАР.

9.1. Шартномага киритилadиган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар фақат икки томонлама ёзма равишда келишувга эришилган тақдирда кучга эга.

9.2. Шартноманинг муддатидан олдин бекор қилиниши фақат икки томонлама келишув орқали амалга оширилади. Агар томонлар келишувга эриша олмасалар суд орқали бекор қилинади.

9.3. Ушбу шартнома ўзбек тилида, тенг ҳуқуқий кучга эга бўлган икки нусхада тузилган бўлиб бир нусхаси «СОТУВЧИ»да иккинчиси «ХАРИДОР»да сақланади, шартнома тарафлар имзоланиб тегишли тартибда Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабрь кунига қадар амал қилади.

10. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«СОТУВЧИ»

"Асл Монтаж Экспресс" ХК
Манзили: Кармана тумани Варқ МФЙ
Тел.: +99897-322-02-00
Х/р: 20208000000507788001
Банк номи: Ипотека банк АТИБ Навоий вилоят филиали
МФО: 00205
ИНН: 303464164
ХТУТ: 61110

Раҳбар:  С.Холиқов



«ХАРИДОР»

Навоий вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси
Навоий шаҳар (туман) А.Темур кўчаси
4 а-уй 7 кават тел 79-223-00-04
ШФХВ: 100021860124017069200110002
Марказий банк Тошкент шаҳар ХККМ
МФО: 00014
ИНН: 207255051
ХТУТ: 70220

Раҳбар:  Н.М.Жуманиёзов



Хуқуқшунос:  А.М.Ҳайитов

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 148975 на приобретение Нурота тумани "Миришкор" ва "Истиқбол" МФЙ аҳолисини ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун зарур бладиган материалларини етказиб бериш бўйича хизматлар

Способ проведения электронный

Дата 19.09.2022

Время рассмотрения 17.09.2022 12:48

Конкурсная комиссия Навоий вилоят Уй-жой коммунал хизмат курсатиш бошқармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	PRIMOV TURSUNBOY UCHQUN O'G'LI	бошлиқ ўринбосари	Навоий вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси
Секретарь комиссии	KAMOLOV LAZIZBEK NAJMIDDINOVICH	бош бухгалтер	Навоий вилояти Уй-жой комунал хизмат кўрсатиш бошқармаси
Член комиссии	XUSHANOV BEKZOD XASANOVICH	Хўжалик мудир	Навоий вилояти Уй-жой комунал хизмат кўрсатиш бошқармаси
Член комиссии	JUMAYEV MURODULLA XOLMAMAT O'G'LI	Бош мутахассис, Касаба уюшмаси раиси	Навоий вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси
Член комиссии	KARIMOV YUSUF SATTOROVICH	Бош мутахассис	Навоий вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси
Член комиссии	MURODOV SHERZOD FARHOD O'G'LI	Бош мутахассис	Навоий вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 19.09.2022 года № лота 148975.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по доставке стройматериалов
Подробное описание	Услуги по доставке стройматериалов
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	46 187 381.00
Стартовая сумма	46 187 381.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Молиявий холати

Тип: Текстовое значение

Описание: Молиявий холати туғрисида тахлилий жадвал (бажарган иш хажми, хисобланган иш хаки микдори)

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PERFECT INNOVATION GROUPO MCHJ	25	Илова қилинди	10	Экспертная		
NAVOIY EVRO LUX STROY MCHJ	25	мавжуд бор	10	Экспертная		
ASL-MANTAJ-EXSPRESS XK	25	Барчаси мавжуд илова қилинди	20	Экспертная		

Критерий №2 Мавжуд техника ва жихозлар туғрисида статистика бўлимидан маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Мавжуд техника (7 тадан кам бўлмаган) ва жихозлар (10 тадан кам бўлмаган) туғрисида асослантирувчи маълумотномалар

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PERFECT INNOVATION GROUPO MCHJ	15	Илова қилинди	10	Экспертная		
NAVOIY EVRO LUX STROY MCHJ	15	мавжуд бор	15	Экспертная		
ASL-MANTAJ-EXSPRESS XK	15	Барчаси мавжуд илова қилинди	15	Экспертная		

Критерий №3 Етказиб берувчилар туғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Етказиб берувчи ташкилот низоми руйхатдан ўтказилгани туғрисида гувоҳнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PERFECT INNOVATION GROUPO MCHJ	10	Илова қилинди	10	Экспертная		
NAVOIY EVRO LUX STROY MCHJ	10	мавжуд бор	10	Экспертная		
ASL-MANTAJ-EXSPRESS XK	10	Барчаси мавжуд илова қилинди	10	Экспертная		

Критерий №4 Кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Етказиб берувчи етказиб берган қурулиш материалларига 12 ой мобайнида кафолат бериш керак. Агар

шу мuddат ичида носозлик холати аниқланса етказиб берувчи хисобидан бартараф этилиши шарт.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PERFECT INNOVATION GROUPO MCHJ	15	Илова қилинди	10	Экспертная		
NAVOIY EVRO LUX STROY MCHJ	15	мавжуд бор	15	Экспертная		
ASL-MANTAJ-EXSPRESS XK	15	Барчаси мавжуд илова қилинди	15	Экспертная		

Критерий №5 Ишчи ходимлар тўғрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Инженер ва техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислар тўғрисида маълумот (Ушбу маълумот Ўзбекистон Республикаси Ягона миллий меҳнат тизимидан олиниши ҳамда ходимларнинг ИНПС рақами ва ИНПСга ўтказилган маблағлари тўғрисидаги малумотлар тўлиқ тақдим этилиши шарт)

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PERFECT INNOVATION GROUPO MCHJ	10	Илова қилинди	10	Экспертная		
NAVOIY EVRO LUX STROY MCHJ	10	мавжуд бор	10	Экспертная		
ASL-MANTAJ-EXSPRESS XK	10	Барчаси мавжуд илова қилинди	10	Экспертная		

Критерий №6 Солик ва молиявий хисоботлар 01.01.2022 йил холатида

Тип: Текстовое значение

Описание: талабгор ташкилотга хизмат кўрсатувчи банк томонидан картотека К-2 да қарздорлиги мавжуд эмаслиги ҳамда солиқ тўловчининг my.soliq.uz порталидан солиқ қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида QR-кодди маълумотномалар тақдим этиши шарт.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PERFECT INNOVATION GROUPO MCHJ	25	Илова қилинди	10	Экспертная		
NAVOIY EVRO LUX STROY MCHJ	25	мавжуд бор	15	Экспертная		
ASL-MANTAJ-EXSPRESS XK	25	Барчаси мавжуд илова қилинди	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ASL-MANTAJ-EXSPRESS XK	46 187 381.00	46 101 080.00 UZS	46 101 080.00	00.00	46 101 080.00	16.09.2022 10:57:50	30
NAVOIY EVRO LUX STROY MCHJ	46 187 381.00	46 187 115.00 UZS	46 187 115.00	00.00	46 187 115.00	16.09.2022 10:03:45	29.94412
PERFECT INNOVATION GROUPO MCHJ	46 187 381.00	46 180 000.00 UZS	46 180 000.00	00.00	46 180 000.00	15.09.2022 22:09:16	29.94873

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ASL-MANTAJ-EXSPRESS XK	63	30	93
NAVOIY EVRO LUX STROY MCHJ	52.5	29.94412	82.44412
PERFECT INNOVATION GROUPO MCHJ	42	29.94873	71.94873

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 148975 от 19.09.2022 года на приобретение Нурота тумани "Миришкор" ва "Истиқбол" МФЙ аҳолисини ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун зарур бладиган материалларини етказиб бериш бўйича хизматлар определила победителем:

ASL-MANTAJ-EXSPRESS XK
303464164

и резервный исполнитель: NAVOIY EVRO LUX STROY MCHJ (306061933)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	PRIMOV TURSUNBOY UCHQUN O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	XUSHANOV BEKZOD XASANOVICH	Согласен	
Член комиссии	JUMAYEV MURODULLA XOLMAMAT O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	KARIMOV YUSUF SATTOROVICH	Согласен	
Член комиссии	MURODOV SHERZOD FARHOD O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



NAVOIY VILOYATI NUROTA TUMANI
HOKIMI

210700, Nurotat., IslomKarimovsh.k48, tel: (79)523-13-42, nurota@nv.uz

20 22-yil 23 - 08 01-03/1026 -son

Навоий вилояти ҳокими в.б
Н.Т.Турсуновга

Хурматли Нормат Тулкинович,

Халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашининг 2022 йил 29 июлдаги “Вилоят маҳаллий бюджетининг 2022 йил ижроси давомида шакллантирилган кўшимча манбалар ҳисобидан маблағлар ажратиш тўғрисида”ги VI-35-99-5-0-К/22-сонли қарорига асосан Нурота тумани ҳудудидаги МФЙларни ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш ва зарур бўладиган материаллар сотиб олиш харажатлари учун 54,0 млн сўм маблағ ажратилган.

Нурота тумани ҳудудидаги Истикбол ҳамда Миришкор маҳалла фуқаролар йиғинларида ичимлик сув таъминотини яхшилаш юзасидан қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ва зарур бўладиган материалларни сотиб олиш харажатлари учун тегишли таклифлар ишлаб чиқилган бўлиб, ҳисоб-китобларга кўра қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилгандан сўнг, Истикбол МФЙ Ф.Тошпўлатов кўчасидаги 60 га яқин хонадонларда ичимлик сув таъминоти яхшиланиб, Миришкор МФЙ С.Сиддиқов кўчасидаги 30 дан ортиқ хонадонлар марказлашган ичимлик суви билан таъминланишига эришилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Сиздан туманда ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш ва зарур бўладиган материаллар сотиб олиш харажатлари учун ажратилган 54,0 млн сўм маблағларни Истикбол ва Миришкор МФЙларга талаб этиладиган қурилиш материалларини харид қилинишига йўналтирилишида, мазкур қурилиш материалларини “Навоий сув таъминоти” МЧЖ Нурота туман бўлимига тақдим этилишига тегишли мутассади ташкилотларга кўрсатма берилишида амалий ёрдам кўрсатишингизни сўрайман.

Изоҳ: Талаб этиладиган қурилиш материаллари юзасидан тегишли таклифлар иловада 1 варақда тақдим этилмоқда.

Хурмат билан,

Туман ҳокими

А.Файзиев

2022 йил 23 августдаги
01-03/1026-сонли
хатга илова

Халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашининг 2022 йил 29 июлдаги VI-35-99-5-0-K/22-сонли қарорига асосан Нурута тумани ҳудудидаги Истикбол МФЙларида ичимлик сув таъминотини яхшилаш юзасидан қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш ва зарур бўладиган қурилиш материалларни сотиб олиш харажатлари учун билдирилган

ТАКЛИФЛАР

№	Туман номи	МФЙ номи	Талаб этиладиган маҳсулот	Дона	Талаб этиладиган маблағ	Изоҳ
1	Нурута тумани	Истикбол	Қувур	Д 90-410 м	14350000	Ушбу талаб этилган қурилиш материаллари харид қилиниб, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилгандан сўнг Истикбол МФЙ Ф.Топшўлатов кўчасидаги эски сув қувиридаги содир бўлаётган авариялар бартараф этилиб аҳоли муҳожаатлари камайишига ҳамда 60 га яқин хонадоннинг ичимлик сув таъминоти яхшиланиши, шунингдек қўшимча равишда 10 га яқин хонадон марказлашган ичимлик суви билан таъминланишига эришилади.
2				Д 63-170 м	3570000	
3				Д 50-320 м	4320000	
4				1 дона	1100000	
5				1 дона	1000000	
6				300 литр	4000000	
Истикбол МФЙ бўйича жами					28340000	
1	Нурута тумани	Миришкор	Қувур	Д 75-480 м	14400000	Ушбу талаб этилган қурилиш материаллари харид қилиниб, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилгандан сўнг, Миришкор МФЙ С.Сиддиқов кўчасидаги 2 та кўп қаватли хонадонлар, жами 30 дан ортик хонадонда қўчадаги хонадонлар, жами 30 дан ортик хонадонда яшовчи 200 га яқин аҳоли марказлашган ичимлик суви билан таъминланишига эришилади.
2				Д 40-240 м	2160000	
3				2 дона	2100000	
4				3 дона	3000000	
5				300 литр	4000000	
Миришкор МФЙ бўйича жами					25660000	
Жами					54000000	



XALQ DEPUTATLARI NAVOIY VILOYATI KENGASHI QARORI

210100, Navoiy sh., IslomKarimovsh.k 77 A, tel: (79) 229-62-80, e-mail: navoi@exat.uz, info@navoi.uz

2022 - yil 29 - iyul

VI-35-99-5-0-K/22

Navoiy viloyat hokimligi

Вилоят маҳаллий бюджетининг 2022 йил ижроси давомида шакллантирилган қўшимча манбалар ҳисобидан маблағлар ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 27, 126-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 8 апрелдаги “Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбаларини аниқлаш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги КҚ-331-IV-сонли қарорига мувофиқ, бюджет ташкилотлари, бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ва муассасаларнинг мурожаатларидаги тадбирларни маблағ билан таъминлаш мақсадида, вилоят ҳокимлигининг вилоят маҳаллий бюджетининг 2022 йил биринчи ярим йиллик якунида қўшимча манбаларини йўналтириш тўғрисидаги таклифини кўриб чиқиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармойишларида, Ҳукумат қарорлари ва баёнларида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инфратузилма объектларини қуриш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар учун

вилоят маҳаллий бюджетининг биринчи ярим йилликда даромадларининг режадан орттирилиб бажарилган қисми ҳисобидан иловага мувофиқ маблағ ажратилсин.

2. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти (Ж.Ҳамраев) вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан маблағ ажратилган бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг ажратилган маблағлардан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларини халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларида эшитиб борилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 8 апрелдаги КҚ-331-IV-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 13-бандига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари фавқулодда вазиятларда ва шунга ўхшаш кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши талаб этиладиган ҳолларда ишлатилган маблағлар тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаси халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига ҳисобот бериш шарти билан қўшимча маблағларни (электрон савдо майдончасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан махсус ғазна ҳисобрақамларига ҳақиқатда тушган тушумлар бундан мустасно) йўналтириш бўйича қарорлар қабул қилиши мумкинлиги белгилаб қўйилганлиги инобатга олинсин.

4. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Ботиралиев) туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда 2022 йил учун Навоий вилояти маҳаллий бюджети даромадлари прогнозини ҳудудлар кесимида бажарилишини таъминласин.

5. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорлик масалалари бўйича доимий комиссиялари бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши ҳамда бюджет интизомига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш тавсия этилсин.

6. Бюджет ташкилотлари ва муассасалари ҳамда бюджетдан маблағ олувчилар ажратилган маблағдан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминласинлар.

7. Вилоят давлат молиявий назорат бошқармаси мазкур қарор билан ажратилган маблағларни амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилсин.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Т.Атамуратов) ва халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси



Н.Турсунов

Xalq deputatlari Navoiy viloyat
Kengashining
2022 yil 29 iyuldagi
VI-35-99-5-0-K/22-son qaroriga
1-ilova

**Вилоят маҳаллий бюджетининг 1-ярим йиллик якунида
даромадларининг режадан орттирилиб бажарилган қисми ҳисобидан
йўналтириладиган маблағлар**

т/р	Ташкилот ва муассаса номи	Мақсади	Йўналти-риладиган маблағлар (млн.сўмда)
1	Вилоят ҳокимлигига	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПК-172-сонли қарorigа асосан "Обод маҳалла", "Обод қишлоқ" давлат дастурларини 2022 йилда амалга ошириш бўйича тадбирлар харажатлари учун	35 000,0
2	Вилоят ҳокимлигига	2019 йилда "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" давлат дастурлари бўйича амалга оширилган тадбир харажатлари учун	140,0
3	Вилоят ҳокимлигига	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги ПК-3897-сонли қарorigа асосан вилоят ҳарбий-маъмурий секторларни ривожлантириш жамғармасига	5 000,0
4	Вилоят ҳокимлигига	Маъмурий бинодан фойдаланиш ва сақлаш ҳамда коммунал тўлов харажатлари учун (Омбудсман вилоят минтақавий вакили учун ажратилган хизмат автомашинасига ЁММ сотиб олиш ва сақлаш харажатлари билан бирга)	1 781,0
5	Вилоят ҳокимлигига	Қуриқлаш хизмати харажатлари учун	520,0
6	Вилоят ҳокимлигига	Халқ депутатлари вилоят Кенгагининг 2021 йил 10 мартдаги 18/176-сонли қарorigа асосан вилоят ҳокимлиги ходимларига устама тўловлари учун	1 000,0
7	Вилоят ҳокимлигига	"Ёшлар дафтари" жамғармасига	3 000,0
8	Вилоят ҳокимлигига	"Аёллар дафтари" жамғармасига	1 000,0
9	Вилоят ҳокимлигига	"Саховат ва кўмак" жамғармасига	1 000,0
10	Вилоят ҳокимлигига	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 25 октябрдаги 656-сонли қарorigа асосан етим болалар ва ота-оналар қармоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш харажатлари учун	780,0
11	Вилоят ҳокимлигига	Вилоят ҳокимлиги маҳаллий тармоғини реконструкция қилиш, "Active Direktory" тизимини ўрнатиш, ахборотлаштириш объектларини ахборот ва киберхавфсизлик экспертизасидан ўтказиш, NAVOI.UZ расмий веб-сайтини реконструкция қилиш ва экспертизадан ўтказиш харажатлари учун	100,0
12	Вилоят ҳокимлигига	Куёш батарияси (станцияси) ўрнатиш харажатлари учун	1 000,0

г/р	Ташкилот ва муассаса номи	Мақсади	Йўналти-риладиган маблағлар (млн.сўмда)
13	Вилоят маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармасига	Вилоятдаги МФЙ биноларини таъмирлаш, янгидан қуриш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жиҳозлаш ва қузқиш мавсумига тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар учун (Манзилли дастур асосида)	1 500,0
14	Навоий Давлат Кончилик ва Навоий давлат педогогика институтларига	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сонли қарорига асосан 2022 йилда тасдиқланган "Иш режа" бўйича вилоятда стартап лойиҳаларини ва инновацион ғоялар, илмий ишланмаларни қўллаб қувватлаш харажатлари учун (Амалга оширилган лойиҳалар асосида)	200,0
15	Вилоят Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига	Светофор қурилмалари сотиб олиш ва ўрнатиш харажатлари учун	320,0
16	Вилоят Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига	Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 2022 йил 4 апрелда 25/1-386-сон билан тасдиқланган "Йўл харитаси"га асосан Махсус эксплуатация-монтаж бўлимига махсус техникалар сотиб олиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш харажатлари учун	2 000,0
17	Вилоят Халқ таълим бошқармасига	Хатирчи тумани 88-АФСНО'ИМ Неъматов Рустам ва Кармана тумани 15-мактаб Мавлонова Гавҳар инглиз тили фани ўқитувчилари Буюк Британиянинг "Manchester Metropolitan University" билан ҳамкорликда икки ҳафталик малака ошириш курсида иштирок этиш билан боғлиқ харажатлари учун	120,0
18	Навоий Архитектура ва қурилиш техникумига	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 январдаги ПҚ-4962-сонли қарорига асосан вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижий давлатга кетаётган шахсларни ва банд бўлмаган аҳолини ўқитишни ташкил этиш учун тахсил олувчиларнинг яшаш ва овқатланиш харажатлари учун	200,0
19	Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасига	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сонли Фармонида асосан вилоятдаги қайта ташкил этиладиган ОШПлар ва ОПларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар учун (Манзилли дастурга асосан)	2 000,0
20	Онкология ва Радиология илмий амалий тиббиёт маркази вилоят филиалига	Диспансер биносини жорий таъмирлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тиббий ускуналар сотиб олиш ҳамда сув тизими ва канализация тармоғини таъмирлаш харажатлари учун	600,0
21	Вилоят қон қуйиш станциясига	Қон тайёрлаш ишлари учун станциянинг доимий тайёргарлигини ва қон компонентлари таъминотини узлуксизлигини таъминлаш харажатлар учун	100,0
22	Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига	Чанок-сон, елка тирсак ва ошиқ-болдир бўғимларида юқори технологик амалиётлар ўтказиш учун махсус тиббий ускуналар сотиб олиш харажатлари учун	350,0
23	Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига	Марказ моддий-техника базасини яхшилаш, манан эскирган носоз тиббий ускуналарни янгисига алмаштириш ва болалар кардиохирургиясини такомиллаштириш харажатлари учун	1 000,0

№/р	Ташкилот ва муассаса номи	Мақсади	Йўналти-риладиган маблағлар (млн.сўмда)
24	Навоний шаҳридаги РШТЁИМ вилоят филиалига	Компьютер томограф ускунаси учун рентген трубкаси ва совутиш тизими ҳамда эҳтиёт қисмлар сотиб олиш харажатлари учун	1056,0
25	Вилоят Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига	Марказ бўлимлари палаталари ва муолажа хоналарига кондиционерлар сотиб олиш харажатлари учун	50,0
26	Вилоят Маънавият ва маърифат бўлимига	Хизмат автомашинаси ва автобусни таъмирлаш ҳамда эҳтиёт қисмлар сотиб олиш харажатлари учун	50,0
27	Вилоят Маънавият ва маърифат бўлимига	Вилоятда ижтимоий, маънавий-маърифий, тарбиявий мазмундаги тарғибот воситаларини ўрнатиш харажатлари учун	300,0
28	Вилоят Маънавият ва маърифат бўлимига	Ўзбек ва жаҳон адабиёти асарларидан харид қилиш харажатлари учун	100,0
29	Спортни ривожлантириш бош бошқармасига	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 17 февралдаги 69-Ф-сонли фармойишига асосан спорт соҳасида амалга ошириш тадбирлари ва оммавий спорт тадбирлари ҳамда туман (шаҳар)да олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича расмий спорт мусобақаларини ўтказиш билан боғлиқ тадбир харажатлари учун	1 000,0
30	Вилоят футбол ассоциациясига	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги 311-сонли қарорига асосан ҳудудий футбол ассоциациялари фаолиятини қўллаб-қувватлаш харажатлари учун	150,0
31	Вилоят Кураш федерациясига	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 ноябрдаги ПҚ-4881-сонли қарорининг 10-бандига асосан федерацияси ходимларини иш ҳақи ва уларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун	300,0
32	Вилоят Болалар ва ўсмирлар футбол академиясига	Автобус сотиб олиш харажатлари учун	640,0
33	Кўзи ожизлар жамиятига	Молиявий қўллаб-қувватлаш харажатлари учун	150,0
34	Ногиронлар жамиятига	Молиявий қўллаб-қувватлаш харажатлари учун	80,0
35	Карлар жамиятига	Молиявий қўллаб-қувватлаш харажатлари учун	60,0
36	"Навоний сув таъминот" МЧЖга	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-171-сонли қарорига асосан махсус техника харид қилиш харажатлари учун	210,0
37	Вилоят Сув омборлари ва йирик гидротехника иншоатларидан фойдаланиш бошқармасига	Хатирчи туман "Кўксарой" сел-сув омборини реконструкция қилиш ва инъекция ишларини амалга ошириш харажатлари учун	500,0
38	Вилоят Сув омборлари ва йирик гидротехника иншоатларидан фойдаланиш бошқармасига	Нурота туман "Сентобсой" сел-сув омборини реконструкция қилиш ва инъекция ишларини амалга ошириш харажатлари учун	500,0
39	"Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" ДУК	Шаҳар ва туманлардаги ички хўжалик йўлларини таъмирлаш харажатлари учун (Манзилли дастур асосида)	6 000,0

т/р	Ташкилот ва муассаса номи	Мақсади	Ўналти-риладиган маблағлар (млн.сўмда)
40	"Навойсув-қурилиш-инвест" давлат унитар корхонасига	Хатирчи тумани "Қориз араб" қишлоғига суғориш қудуғини қуриш харажатлари учун	300,0
41	Вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасига	Хатирчи тумани ҳудудидаги МФЙларни ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш ва зарур бўладиган материаллар сотиб олиш харажатлари учун	400,0
42	Вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасига	Нурота тумани ҳудудидаги МФЙларни ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш ва зарур бўладиган материаллар сотиб олиш харажатлари учун	54,0
43	Вилоят "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниясига	Навой шаҳридаги "Ёшлар маркази" биносини жорий таъмирлаш харажатлари учун	250,0
44	Вилоят "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниясига	Навой шаҳар 11-сонли мактаб биносини мукамал таъмирлаш харажатлари учун	500,0
45	Вилоят "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниясига	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 апрелдаги ПФ-106-сонли Фармонида асосан Президент таълим муассасалари агентлиги мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, замонавий мебель ва жиҳозлар, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, ахборот-коммуникация технологиялари, мультимедиа ҳамда видео-кузатув воситалари билан таъминлаш харажатлари учун	3 000,0
46	Вилоят "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниясига	Навой шаҳар 18-кичик туманидаги бешта 7 ва 16 қаватли турар-жой биноларини коммуникация тармоқларини (газ, ичимлик суви ва оқова сув таъминоти) қуриш харажатлари учун	2 200,0
47	Вилоят "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниясига	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23-24 февраль кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида берилган топшириқлар ижросини таъмишлаш мақсадида Чимбой тумани инфратузилма тизимида ва ижтимоий соҳа объектларида Навой вилояти ҳокимлиги томонидан белгиланган лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ қурилиш-таъмирлаш харажатлари учун	4 000,0
48	Вилоят "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниясига	Нурота касб-хунарға ўқитиш маркази биносини реконструкция қилиш харажатлари учун	200,0
49	Вилоят "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниясига	Қизилтепа туман қурилиш коллежини реконструкция қилиш харажатлари учун	40,0

т/р	Ташкилот ва муассаса номи	Мақсади	Йўналти-риладиган маблағлар (млн.сўмда)
50	Вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига	Навобий шаҳар А.Навобий номли маданият ва истирохат боғидаги мавжуд стадионни мукамал таъмирлаш харажатлари учун	300,0
51	Вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига	Навобий шаҳар Давлат хавфсизлик хизмати бўлими худудида ёпик спорт мажмуаси ва спорт майдончалари қуриш харажатлари учун	500,0
52	Вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига	Зарафшон шаҳар юкумли касалликлар шифохонаси учун кислород станцияси қуриш харажатлари учун	47,0
53	Вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига	Томди туманидаги 21-сонли мактабнинг қўшимча 140 ўринли блоги ва 18х9м ўлчамли спорт зал ёрдамчи иншоотларини қуриш харажатлари учун	200,0
54	Вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига	Хатирчи туман “Ангидон” ҚФЙ 49-сонли мактаб филиалини реконструкция қилиш харажатлари учун (20 ўринли ўқув блоги қуриши)	40,0
55	Вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига	Конимех тумани “Наврўз” МФЙ биносини реконструкция қилиш харажатлари учун	700,0
56	Вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига	Навбахор тумани “Сарбзор” МФЙ худудидаги ҚВП биносини мукамал таъмирлаш харажатлари учун	500,0
57	Вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига	Навбахор тумани “Янги куч” МФЙ худудида 100 қатновли ҚОП биносини реконструкция қилиш учун	700,0
58	Вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига	Вилоят ҳокимлигининг Навобий шаҳар “Меъморлар” кўчасидаги хизмат уйини мукамал таъмирлаш харажатлари учун	260,0
59	Вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига	Вилоят ҳокимлигининг Навобий шаҳар “М.Барака” кўчаси 11а-уй манзилида жойлашган хизмат уйини мукамал таъмирлаш харажатлари учун	844,0
60	Вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига	Қизилтепа тумани қурилиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш қурилиш коллежига ўқув амалий машғулотларини ўтказиш учун ўқув полигони қуриш харажатлари учун	800,0
61	Вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига	Табий офат натижасида Учқудуқ тумани Халқ қабулхонасига етказилган зарар натижасида маъмурий бинони таъмирлаш харажатлари учун	400,0
62	“Кўп хонадонли уйларни, иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК вилоят филиалига	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги ПҚ-5152-сонли қарорига асосан “THOMPSON” нодавлат таълим муассасаси атрофидаги кўп квартирали уй-жойларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш харажатлари учун (Манзилли дастур асосида)	1000,0
63	Навобий шаҳар ободонлаштириш бошқармасига	Ободонлаштириш худудларини кўкаламзорлаштириш учун тик қудуқ қазиш ҳамда ирригация тизими харажатлари учун	300,0
64	Навобий шаҳар Халқ таълим бўлимига	Махсус таъмирлаш эксплуатация бўлими учун хом ашё материаллари ҳамда ёритиш жиҳозлари сотиб олиш харажатлари учун	100,0

т/р	Ташкилот ва муассаса номи	Мақсади	Йўналти-риладиган маблағлар (млн.сўмда)
65	Навоий шаҳар Халқ таълим бўлимига	Чет тилларни ўқитишга ихтисослашган таълим муассасаларини моддий-техника базасини мустаҳкамлаш харажатлари учун	29,0
66	Навоий шаҳар тиббиёт биладмасига	Коммунал тўловлардан юзага келган қарздорликларни қоплаш харажатлари учун	500,0
67	Зарафшон шаҳар тиббиёт биладмасига	Марказлашган иссиқлик энергияси ва иссиқ сув тизимини маҳаллий қозонхонага айлантириш харажатлари учун	550,0
68	Ҳозғон шаҳар ҳокимлигига	"Тумар" ва "Мармаробод" МФЙ биноларига иссиқлик тизими ўрнатиш харажатлари учун	60,0
69	Ҳозғон шаҳар мактабгача таълим бўлимига	4-сонли МТТни зарур бўлган жихозлар билан таъминлаш харажатлари учун	50,0
70	Ҳозғон шаҳар ободонлаштириш бошқармасига	Сим ёғочларга замонавий ёритиш ускуналари ва чироклар ўрнатиш харажатлари учун	300,0
71	Кармана тумани Мактабгача таълим бўлимига	Махсус таъмирлаш эксплуатация бўлими учун хом ашё материаллари ҳамда ёритиш жихозлари сотиб олиш харажатлари учун	100,0
72	Кармана тумани Тиббиёт биладмасига	Маъмурий бинони таъмирлаш харажатлари учун	400,0
73	Кармана тумани Халқ таълим бўлимига	19-умумтаълим мактаб том қисмини таъмирлаш ҳамда атрофини ўраш харажатлари учун	300,0
74	Кармана тумани ободонлаштириш бошқармасига	Сим ёғочларга замонавий ёритиш ускуналари ва чироклар ўрнатиш ҳамда таъмирлаш харажатлари учун	400,0
75	Конимех тумани ҳокимлигига	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги ПҚ-5020-сонли қарорнинг 13-бандига асосан Конимех туманида жойлашган Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш вилоят маркази бўлими биносини таъмирлаш ва жихозлаш харажатлари учун	275,0
76	Конимех тумани ҳокимлигига	"Наврўз" МФЙ кўчаларига кузатув камералари ўрнатиш харажатлари учун	200,0
77	Конимех тумани тиббиёт биладмасига	Тиббиёт биладмасига қарашли 6 та таъмирталаб биноларни таъмирлаш ҳамда тиббий жихозлар билан таъминлаш харажатлари учун	400,0
78	Конимех тумани мактабгача таълим бўлимига	11-сонли "Ғунча" МТТ канализация тизимини таъмирлаш харажатлари учун	100,0
79	Қизилтепа тумани Халқ таълими бўлимига	8-9-12-14-19-28-32-умумтаълим мактабларини таъмирлаш ҳамда иситиш қозонларини янгисига алмаштириш харажатлари учун	600,0
80	Қизилтепа тумани Халқ таълими бўлимига	Махсус таъмирлаш эксплуатация бўлими учун хом ашё материаллари ҳамда ёритиш жихозлари сотиб олиш харажатлари учун	100,0
81	Қизилтепа тумани мактабгача таълим бўлимига	Махсус таъмирлаш эксплуатация бўлими учун хом ашё материаллари ҳамда ёритиш жихозлари сотиб олиш харажатлари учун	200,0
82	Қизилтепа тумани ободонлаштириш бошқармасига	Тумани марказидаги кўчаларга замонавий чироклар ўрнатиш харажатлари учун	500,0
83	Қизилтепа тумани ободонлаштириш бошқармасига	Қабристонларни таъмирлаш ва тартибга келтириш харажатлари учун	400,0
84	Навбахор тумани тиббиёт биладмасига	Тумандаги ОШП ва ОПларни юмшоқ ва қаттиқ инвентарлар билан таъминлаш харажатлари учун	150,0

т/р	Ташкилот ва муассаса номи	Мақсади	Йўналти-риладиган маблағлар (млн.сўмда)
85	Навбахор туман мактабгача таълим бўлимига	9-сонли МТТ биносини том қисмини таъмирлаш харажатлари учун	300,0
86	Навбахор туман мактабгача таълим бўлимига	14-сонли МТТнинг 90 ўринли эски биносини таъмирлаш харажатлари учун	800,0
87	Нурота туман Халқ таълим бўлимига	42-умумтаълим мактаби (интернатининг) ётоқхона биносини жорий таъмирлаш харажатлари учун	90,0
88	Нурота туман Халқ таълим бўлимига	52-умумтаълим мактабининг эски ўқув биноси ва том қисмини жорий таъмирлаш харажатлари учун	350,0
89	Нурота туман Халқ таълим бўлимига	51-умумтаълим мактабнинг эски биносини таъмирлаш харажатлари учун	150,0
90	Нурота туман Халқ таълим бўлимига	30-умумтаълим мактабини эски биносини таъмирлаш харажатлари учун	150,0
91	Нурота туман Халқ таълим бўлимига	43-умумтаълим мактабининг эски биносини ўқув биноси ва иситиш тизимини жорий таъмирлаш харажатлари учун	200,0
92	Нурота туман Халқ таълим бўлимига	34-умумтаълим мактаби синф хоналарини таъмирлаш харажатлари учун	150,0
93	Нурота туман Тиббиёт бирлашмасига	А.Навоий ҚВП биносини таъмирлаш ҳамда зарур жихозлар билан таъминлаш харажатлари учун	100,0
94	Нурота туман ободонлаштириш бошқармасига	Тумандаги МФЙлар ҳудудидаги кўчаларга тунги ёритиш чироқлари ўрнатиш харажатлари учун	100,0
95	Нурота туман Маданият бўлимига	Маданият бўлимига қарашли истироҳат боғи ҳудудини ободонлаштириш харажатлари учун ҳамда Деҳибаланд маданият бўлими биносини жорий таъмирлашдан юзага келган қарздорлик учун	200,0
96	Учкудук туман ҳокимлигига	"Учкудук туман Кеча ва бугун" китобини нашр этиш харажатлари учун	300,0
97	Учкудук туман Мактабгача таълим бўлимига	Учкудук туман мактабгача таълим бўлими балансига ўтказилган собиқ МФЙ биносини таъмирлаш харажатлари учун	300,0
98	Хатирчи туман Ободонлаштириш бошқармасига	Туман марказида давлат байроғи ўрнатилган ҳудудни ободонлаштириш харажатлари учун	400,0
99	Хатирчи туман Ободонлаштириш бошқармасига	Ҳудудларда амалга оширилаётган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларида қатнашаётган техникаларга ёқилғи маҳсулотлари сотиб олиш харажатлари учун	160,0
100	Хатирчи туман Халқ таълим бўлимига	5,17,21,23,32,41,47,58,59,60,62,67,71,74,83, 84,86-сонли умумтаълим мактабларини иситиш тизимларини таъмирлаш харажатлари учун	300,0
101	Томди тумани Мактабгача таълим ташкилотига	Тумандаги 8-сонли МТТни куз-қиш мавсумига тайёрлаш учун таъмирлаш харажатларига	200,0
ЖАМИ			97 356,0



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI UY-JOY KOMMUNAL XIZMAT KO'RSATISH VAZIRLIGI
NAVOIY VILOYAT UY-JOY KOMMUNAL XIZMAT KO'RSATISH BOSHQARMASI

BUYRUQ

2022 y. « 8 » sentyabr № 109

**Xalq deputatlari Navoiy viloyat Kengashining 2022-yil 29-iyuldagi
VI-35-99-5-0-K/22-sonli qarorining ijrosini ta'minlash to'g'risida**

Xalq deputatlari Navoiy viloyat Kengashining 2022-yil 29-iyuldagi VI-35-99-5-0-K/22-sonli qarori ijrosini sifatli va o'z muddatlarida ta'minlash maqsadida

B U Y U R A M A N:

1. Xalq deputatlari Navoiy viloyat Kengashining 2022-yil 29-iyuldagi VI-35-99-5-0-K/22-sonli qarori rahbarlik va ijro uchun qabul qilinsin.

2. Moliyaviy-iqtisodiy tahlil va buxgalteriya hisobi bo'limi boshlig'i (L.Kamolov):

- Nurota tumandagi "Istiqbol" va "Mirishkor" MFYlari aholisini ichimlik suvi ta'minotini yaxshilash uchun zarur bo'ladigan materiallarni (quvur, kolodets, zadvijka, mashina mexanizmlariga sarflanadigan dizel yoqilg'isi va h.k.) O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi O'RQ-684-sonli Qonuni talablari asosida hamda O'zbekiston Respublikasi tovar xom-ashyo birjasining elektron portali orqali xarid qilinishini ta'minlasin.

3. Nurota tumandagi "Istiqbol" va "Mirishkor" MFYlari aholisini ichimlik suvi ta'minotini yaxshilash uchun zarur bo'ladigan materiallarni (quvur, kolodets, zadvijka, mashina mexanizmlariga sarflanadigan dizel yoqilg'isi va h.k.) tegishli tartibda qabul qilish - topshirish komissiyasi 1-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

4. Komissiya a'zolariga:

- Nurota tumandagi "Istiqbol" va "Mirishkor" MFYlari aholisini ichimlik suvi ta'minotini yaxshilash uchun zarur bo'ladigan materiallarni (quvur, kolodets, zadvijka, mashina mexanizmlariga sarflanadigan dizel yoqilg'isi va h.k.) "Navoiy suv ta'minoti" MCHJga topshirilishini;

- topshirish-qabul qilish (priyom-sdachi) dalolatnomalarini qonunchilikda belgilangan tartibda rasmiylashtirilib moliyaviy-iqtisodiy tahlil va buxgalteriya hisobi bo'limiga tegishli xujjatlarni to'liq yakunlab topshirilishini ta'minlasin.

3. Umumiy bo'lim boshlig'i M.Mansurov mazkur buyruqni bir kunlik muddatda buyruq kirituvchining tarqatish ko'rsatkichi asosida oluvchilarga yuborilishini ta'minlasin.

4. Ushbu buyruqning bajarilishini nazorat qilishni o'z zimmamda qoldiraman.


Boshqarma boshlig'i



N.Jumaniyozov


Loyihani kiritdi:

Moliyaviy-iqtisodiy tahlil va
buxgalteriya hisobi bo'limi boshlig'i


 L. Kamolov

KELISHILDI:


Boshqarma boshlig'i o'rinbosari

 T. Primov


Boshqarma bosh yuriskonsulti

 A. Xayitov


Issiqlik ta'minoti tizimini
rivojlantirish bo'limi
bosh mutaxassisi

 G. Rajabov


Suv ta'minoti va oqova suv tizimini
rivojlantirish va prognozlashtirish
bo'limi bosh mutaxassisi

 SH. Abduraxmonov

Moliyaviy-iqtisodiy tahlil va
buxgalteriya hisobi bo'limi
bosh mutaxassisi

 YU. Karimov

Xo'jalik ishlari mudiri

 B. Xushanov

Viloyat Uy-joy kommunal xizmat ko'rsatish
boshqarmasining

2022 yil "8" sentyabr

109 -sonli buyrug'iga 1-ilova

Nurota tumandagi "Istiqbol" va "Mirishkor" MFYlari aholisni ichimlik suvi ta'minotini yaxshilash uchun zarur bo'ladigan materiallarni tegishli tartibda qabul qilish – topshirish

KOMISSIYASI TARKIBI

Komissiya raisi:

Boshqarma boshlig'i o'rinbosari

T.Primov

Komissiya a'zolari:

Bosh yuriskonsult

A.Hayitov

Issiqlik ta'minotini rivojlantirish bo'limi
bosh mutaxassis

G'.Rajabov

Suv ta'minoti va oqova suv tizimini
rivojlantirish va prognozlashtirish bo'limi
bosh mutaxassis

SH.Abduraxmonov

Moliyaviy-iqtisodiy tahlil va
buxgalteriya hisobi bo'limi
boshlig'i

L.Kamolov

Moliyaviy-iqtisodiy tahlil va
buxgalteriya hisobi bo'limi
bosh mutaxassis

YU.Karimov

Xo'jalik mudiri

B.Xushanov

Izoh: Komissiya tarkibidagilar egallab turgan lavozimidan boshqa lavozimga o'tganda yoki lavozimidan ozod etilganida uning o'rnini egallaganlar komissiya tarkibiga kiritilishi mumkin.